

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК- ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 539.3

Ғойибов Мирзохид Мухторжонович

Ўзгарувчан юкланишли тўсинларни эластик ва ноэластик
эгилишини тадқиқ қилиш

5A 140901 – Касб таълими (Информатика ва ахборот технологияси)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

т.ф.д. проф. А. Абдусаттаров

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди:

“Информатика ва АТ” кафедраси мудири:

ф.- м. ф.н., доц. М. Олимов

Наманган – 2011 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
1-боб. МАСАЛАНИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ХОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	
1.1. Масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳмияти.....	10
1.2. Масалани ўрганилганлик ҳолати, унга доир адабиётлар шарҳи ва таҳлили.....	14
1.3. Масалани ечишда фойдаланилган дастурлаш тиллари ва воситалари таҳлили.....	23
2-боб. ЎЗГАРУВЧАН ЮКЛАНИШЛИ ТЎСИНЛАРНИ ЭЛАСТИК ВА НОЭЛАСТИК ЭГИЛИШНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ ВА ХИСОБЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ	
2.1. Ўзгарувчан юкланишли тўсинларни деформацион кучланганлик ҳолатини тадқиқ этишнинг математик моделини қуриш.....	33
2.2. Чекли айирмалар усули	36
2.3. Масалани ечиш босқичлари.....	37
3-боб АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР ВА НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ	
3.1. Амалий дастурлар боғламининг умумий архитектураси ва уни яратиш технологиясини ишлаб чиқиш.....	39
3.2 Ўзгарувчан юкланишларда тўсинларнинг эластик – ноэластик ҳолатини тадқиқ этиш.....	42
3.3. Ўзгарувчан юклашлардаги эластик – ноэластик тўсинларнинг ички кучлар векторини тадқиқ этиш	45
3.4. Яратилган дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича тавсиялар.....	49
3.5 “Амалий масалаларни математик моделини қуриш” мавзусидаги амалий машғулотни интерфаол усуллар ёрдамида ўтказиш сценарийсини ишлаб чиқиш.....	
3.6 Касбий меҳнат шароитлари ва унинг физио – психологик тамойиллари	
ХУЛОСА.....	51
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	53
ИЛОВА.....	55

«Фақат билимли, маърифатли
жамиятгина демократик тараққиётнинг
барча афзалликларини кадрлай олади.»

И.Каримов

Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида халқаро ҳамкорлик йўлига қадам қўяр экан, ўз-ўзидан халақаро меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж сезилади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: ”Буюк мақсадларимизга эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдири, авваламбор, давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, янгича тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”. Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг истиқболи, буюк келажак яратиш йўлидаги мақсадларимиз, хатти – ҳаракатларимизнинг пировард натижаси бевосита таълим тизимидаги ислохотларимизга боғлиқдир. Таълим тизимини ривожлантириш ва ёш авлодни тарбиялаш эса, ўзига ҳос қонуний асосга эга [1,2,3].

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисидаги қонун» га мувофиқ ҳолда юксак, умумий ва касб – ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғри ола биладиган, юқори малакали, кучли билимли, иродаси мустаҳкам, маънавиятли шахсларни тарбиялаш эртанги порлоқ келажакнинг бугунги асосий омилидир.

Халкнинг бой мероси ва умумбашарий кадрятларидан келиб чиқиб, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари

асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизimini шакллантириш Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг муҳум шартидир.

Инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, ижтимоий ҳуқуқ аъводининг замонавий – миллий андозаларини ишлаб чиқиш – республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Мамлакатимиз мустақил бўлганига ҳам 20 йил бўлган бўлса, ўтган давр мобайнида, ҳалқ ҳўжалигининг барча соҳаларида, ижтимоий иқтисодиётнинг турли йўналишларида, сезиларли ўзгаришлар, тараққиёт сари шахдам қадамлар кўзга ташланмоқда. 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши эса, бу борада лаёқати бор шахсларга берилган улкан имкониятдир.

Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги Фармони (2002 йил 30 май №ПФ-3080) Республикада ҳалқ ҳўжалигининг барча соҳаларини техник жиҳатдан қуроллантириш, замонавий техника ва технология билан таъминлаш масалаларининг ёрқин ечими бўлди. Эндиги вазифа компьютер технологиялари ва техник воситаларнинг ресурс базасини бойитиш ва шакллантиришдан иборат. Бу борада мана бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган “Best Soft Uzbekistan - 2011” ярмаркаси (Ўзбекистон дастурчиларининг очик ярмаркаси) турли мақсад ва вазифаларга мўлжалланган дастурий маҳсулотлар контингентини рўйхатдан ўтказмоқда. Бундай тадбирлар соҳалар учун миллий дастурлар базасини, қолаверса, ёш муҳандис – дастурчилар синфини шакллантиришга асос бўлади. Шундан келиб чиқиб, мазкур ишда қурилиш – конструкторлик ва лойиҳалаш ишларида кўриладиган асосий масалалардан бири, тўсиннинг эластик – ноэластик ҳолатини турли ўзгарувчан юкланишли шароитлардаги деформацион кучланганлик ҳолатини тадқиқ этишни замонавий дастурлаш

тиллари ёрдамида ҳал этиш ва муайян дастурий таъминот ишлаб чиқиш масаласи кўрилади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Конструкция элементлари (тўсинлар) ва уларнинг физик – механик характеристикаларини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган кўплаб саволлар, уларнинг кучланганлик деформацион ҳолатини ўрганиш ва тадқиқ этиш орқали ўз ечимини топади.

Деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикасида ўзгарувчан юкланишли тўсинларни эластик ва ноэластик деформацияланишини ўрганишга оид амалий масалалар ўзига ҳос аҳамият касб этиб, уларни ҳал этишни ташкил этиш, жумладан, сонли ечиш усуллари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалий дастур таъминотини яратиш масалалари мавзунинг долзарблигини асослайди

Тадқиқотнинг мақсади.

Конструкция элементлари (фазовий стержен, тўсин) нинг ўзгарувчан (такрорий) юкланишлардаги кучланганлик деформацион ҳолатини, эластик ва ноэластик шароитлардаги эгилишини тадқиқ қилиш

Тадқиқотнинг вазифалари. Ўзгарувчан юкланишли Тўсинларни эластик ва ноэластик эгилишини тадқиқ қилишда қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- тўсинларнинг эластик ва ноэластик деформацион ҳолатини ўрганишда механик қонуниятлар ва Власов – Джанелидзе – Кабулов гипотезаларини ўрганиш [12];

- Лагранж вариацион принципи ва унинг моҳияти билан танишиш;

- кўрилаётган конструкция – тўсиннинг мувозанат тенгламасини қуриш

- олинган иккинчи тартибли чизиқсиз дифференциал тенгламалар системасини берилган чегаравий шартда ечишнинг чекли айирмалар усули ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш [23];

- ишлаб чиқилган ҳисоблаш алгоритми бўйича замонавий дастурлаш тиллари ёрдамида дастурий восита тайёрлаш ва натижалар олишдан иборат.

Тадқиқот усули – қўйилган масалани ҳал этишнинг математик моделини ишлаб чиқиш, унга мос ҳисоблаш усули ва алгоритмларини танлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда ўзгарувчан юкланишли тўсиннинг эластик ва ноэластик ҳоллардаги кучланганлик деформацион ҳолати (эгилиши) ни тадқиқ этишнинг математик модели, ҳисоблаш алгоритми ва дастур таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Лойиҳалаш институтларида қурилиш конструкция элементларининг ноэластиклик ҳолати, уни турли йўналишли, ўзгарувчан юклашлардаги эластик – ноэластик ҳолатларини баҳолаш масалалари ўта долзарб муаммолардан бири бўлиб, мазкур иш айнан шу вазифани ҳал этишга қаратилган. Яратилган дастурий таъминотдан нафақат қурилиш - монтаж, лойиҳалаш институтларида, балки, таълим муассасаларининг ихтисослаштирилган ўқув курсларида шунингдек, маъруза, амалий ва тажриба машғулотларини олиб боришда дастурий манбаа сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот предмети. Иккинчи тартибли чизиксиз дифференциал тенгламаларни ечиш алгоритмлари асосидаги Delphi объектли дастурлаш тилига асосланган дастурий таъминот ҳамда бошқа дастурий воситалар.

Тадқиқот объекти - Иккинчи тартибли чизиксиз дифференциал тенгламаларга келадиган қурилиш конструкцияси ва муҳандислик масалаларидан иборат.

Диссертациянинг таркибий қисми. Диссертация қуйидаги ташқилий қисмлардан иборат:

- Кириш.
- I БОБ. Бунда масалани ўрганилганлик ҳолати, фойдаланилган адабиётлар шарҳи, масалани ечишда фойдаланилган дастурлаш тиллари ва воситалари ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлили келтирилган.

- II БОБ. Ўзгарувчан юкланишли тўсинларни эластик ва ноэластик эгилишини тадқиқ қилишнинг математик модели, масалани сонли ечиш усуллари ва уларнинг ҳисоблаш алгоритмлари келтирилган.

- III БОБ. Тўсиннинг ўзгарувчан юкланишлардаги эластик – ноэластик ҳолатларини тадқиқ этишга оид амалий масалалар ечилган, натижалар сонли (жадвал) ва график кўринишида тақдим этилган.

- Бажарилган иш бўйича хулоса ва тавсиялар

- Диссертация ишини тайрлашда фойдаланилган адабиёт ва материаллар рўйхати

- Илова

1-БОБ. МАСАЛАНИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

1.1. Масаланинг қўйилиши ва унинг амалий аҳамияти

Республикаимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, халқ хўжалигининг барча соҳалари қатори, уй – жой, бино – иншоот ва саноат қурилиши жадаллик билан ривожланиб бормокда. Бу эса, муҳандис лойиҳачилар, қурувчи – инженерлар олдиға бир қатор масалаларни қўндаланг қўяди. Жумладан, материалларнинг физик – механик хусусиятларидан тортиб, унинг мураккаб конструктив ечимларигача бўлган мураккаб масалаларни ечиш, натижаларни илмий, амалий нуқтаи назардан асослаш ва оптимал ечимларни танлаш ва бошқалар. Шундай вазифалардан бири, конструкцион материалларнинг турли ташқи кучлар таъсиридаги деформацион кучланганлик ҳолатини тадқиқ этишдан иборат. Бу эса, ташқи куч таъсиридаги материалларнинг специфик сифати, конструкцияни мустаҳкамлиги ва чидамлилигини аниқлашда асосий омил бўлади.

Одатда жуда кўп технологик жараёнларнинг математик моделлари математик – физиканинг турли типдаги тенгламалари орқали ифодаланади.

Иккинчи тартибли чизиқсиз дифференциал тенгламалар системаси кўпроқ қаттиқ жисмлар механикасиға таълуқли турли хил амалий масалаларни ўз ичига олади. Турли хил кучлар таъсиридаги деформацион ҳолати, унинг эластик ва ноэластик деформациясини аниқлаш, қолдиқ кучларни баҳолаш ва уларни ҳисобға олиб мураккаб дифференциал тенгламаларни ечишнинг математик моделини қуриш ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб вазифалардан бўлиб, уни ҳал этишға қаратилган амалий дастурлар боғламини яратиш ва амалиётда ундан фойдаланиш катта амалий аҳамиятға эға.

Шундай қилиб, магистрлик диссертациясида ўзгарувчан юкланишли тўсинларнинг эластик ва ноэластик эгилишини тадқиқ этиш масаласи қўйилган. Қўйилган масаланинг математик модели иккинчи тартибли чизиқсиз дифференциал тенгламалар системаси орқали ифодаланиб, уни турли хил чегаравий шартларда ечишнинг сонли усуллари ва ҳисоблаш

алгоритмларини куриш, шунингдек, амалий дастурлар боғламини яратиш – масаланинг асл моҳиятини ташкил этади. Ишни бажаришда бир канча босқичлар амалга оширилади. Дастурни яратишдан олдин биз матрицалар устида амаллар бажарувчи процедуралар яратиб оламиз. Бу процедуралар кўйилган масалани ечишда матрицалар устидаги амалларни бажаришда кулай тарзда ишлайди. Дастурни юқори даражали дастурлаш тилларидан бири Delphi дастурида амалга оширамыз.

Ҳозирги кунда табиий, илмий ҳамда халқ хўжалигига оид катта (мураккаб) масалаларни тезкор ЭХМларсиз эффектив ечимларни олиб бўлмайди. Ўрганилаётган объектнинг математик моделини ЭХМ ёрдамида куриш ва анализ қилиш билан боғлиқ мураккаб масалаларни тадқиқ қилиш технологияси ишлаб чиқилади. Бундай тадқиқ қилиш усулини амалий (экспериментал) ҳисоб усуллари деб номланади.

Ўзгарувчан юкланишли тўсинларни эластик ва ноэластик эгилишини тадқиқ қилиш схемаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

1) Тадқиқот объекти. Бунда асосий қонуниятлар ўрганилади ҳамда объект (ўзгарувчан юкланишли тўсин) ҳақидаги маълумотлар тўпланади.

2) Математик модел. Бунда мавжуд қонуниятлар асосида ўзгарувчан юкланишли тўсин ва унинг эластик – ноэластик ҳолатларини тадқиқ этишга мўлжалланган математик аппарат – модел курилади. Бундай қонуниятлар кўпроқ тенгламалар системаси (алгебраик, дифференциал, интеграл ва ҳ.к.) кўринишида ёзилади.

Жараёни физик хусусиятига қараб маълум типдаги математик моделлар математик-физика тенгламалари кўринишида ёзилади. Кўплаб реал жараёнлар чизиқсиз тенгламалар кўринишида ёзилади, лекин бу тенгламаларни чизиқли кўринишга келтириш мумкин.

Масала математик кўринишда ёзиб бўлингач, уни ечишни бошлаш лозим бўлади. Лекин математик кўринишдаги масала қандай ечилади? Фақат чекли ҳоллардагина масалани ошкор ечиш мумкин, масалан қаторлар кўринишида.

Масаланинг ечими олинди дегани бу ечимни мавжудлигини ва ягоналигини исботланди деганидир. Лекин бу амалиёт учун қониқарли бўла олмайди. Ечимни янада сифатлироқ, аниқроқ олиш йўллари кидириш лозим.

3) Ҳисоблаш усули (дискрет модел ва ҳисоблаш алгоритми). Ҳисоблаш усуллари ривожланиши натижасида худди мана шу этапда ЭҲМга муҳтожлик пайдо бўлади. Ҳисоблаш усули деганда шундай математик модел тушуниладики, ушбу моделни ЭҲМда ечиш имконияти мавжуд. Масалан, агарда математик модел дифференциал тенглама кўринишида бўлса, ечимни кидиришга имкон берувчи ҳисоблаш усули ёрдамидаги алгоритм билан чекли-айирмали тенграмалар аппроксимацияланиши мумкин. ЭҲМда сонли ҳисоблаш усуллари кўллаш (ечиш) натижасида сонлардан иборат сон ёки жадваллар ҳосил бўлади. Лекин, ҳозирги кунда ҳисоблаш усуллари нинг хусусий ҳоли учун ЭҲМда ҳисоблаш имконини берувчи аналитик усуллар ҳам мавжуд.

4) Дастур таъминотини яратиш. Бу бўлимда масалани ҳал этишда фойдаланилган сонли ҳисоблаш усуллари ва уларнинг ишчи алгоритмларини дастурлаш тилига ўгириш орқали ЭҲМда амалий дастурлар боғламини яратиш ишлари амалга оширилади.

5) Ҳисоблашларни бажариш ва ечимларни таҳлил қилиш. Дастур тузиб бўлингач, ҳисоблаш ва натижаларни таҳлил қилиш этапи бошланади. Олинган натижалар тадқиқ этувчилар назари билан ўрганилади ҳамда ҳисоблаш усулига тўғрилашлар, ўзгартиришлар киритилади ва зарур бўлса математик модел аниқлаштирилади.

Экспериментал ҳисоблаш схемаси умумий олиб қараганда қуйидагича бўлиши мумкин, яъни унинг асосини қуйидаги триада ташқил этади: модель – метод (алгоритм) – дастур.

Математик моделни қурилиши – жараённинг, кўрилаяётган объектнинг физик – механик хусусиятларидан келиб чиқиб, мавжуд назария, қоида ва гипотезалар асосида ташқил этилади

Берилган математик модел учун ҳисоблаш усулини қуриш икки босқичга бўлинади:

а) Масалани дискрет ифодалаш;


б) Дискрет масалани ечимини қидиришга имкон берувчи ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Масалан, агар ўзгарувчан юкланишли тўсиннинг эластик – ноэластик эгилишининг тадқиқи этиш учун яратилган математик модел дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ифодаланган бўлса, уни сонли ечимини олиш учун чизиқли ёки чекли – айирмали алгебраик тенгламалар системасига алмаштириш лозим. Бу ҳолни берилган математик масалани дискретлаштириш дейилади.

1.2. Масалани ўрганилганлик ҳолати, унга доир адабиётлар шарҳи ва таҳлили

Муҳандислик амалиётида учрайдиган конструкция турлари хилма-хил ва мураккабдир. Уларнинг элементларини бир неча оддий кўринишлардаги шакллارга келтириш мумкин (1.2 .1 - расм).

1. Тўсин (Брус, тўсин) - кўндаланг кесим ўлчамлари узунлик ўлчамига нисбатан жуда кичик бўлган элементга айтилади.
2. Пластинка ёки плита - қалинлиги қолган ўлчамларига нисбатан сезиларли даражада кичик бўлган элементга айтилади.
3. Қобик - қалинлиги қолган икки ўлчамига нисбатан жуда кичик бўлган, эгри сирт билан ўралган жисмга айтилади.
4. Массив - учта ўлчами бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмайдиган элементга айтилади.



1.2.1 – расм.

Айрим олинган элементларни бир-бири билан бириктириш натижасида иншоот конструкциялар ҳосил қилинади [15]. Масалан: Стерженларни бир-бири билан шарнирлар ёрдамида бириктиришдан ҳосил бўлган системага ферма деб айтилади. Шарнирлар чўзилиш ва сиқилиш кучларини бир стержендан иккинчиси ўтказиб беради. Шарнирлар буралишга қаршилик кўрсатмайди. Стерженлар бир-бири билан бикр қилиб боғланиши мумкин. Бундай боғланишлар чўзилиш, сиқилиш ва буралишга қаршилик кўрсатади. Бунга мисол қилиб рамани кўрсатиш мумкин. Одатда эгилишга ишловчи стерженлар тўсинлар деб юритилади. Тўсинлар ташқи кучни қабул қилиб уни асосга узатиши учун асосга таянч боғланишлари

билан бирлаштирилган бўлиши керак. Амалда уч ҳил кўринишдаги таянч боғланишларидан фойдаланилади.

1. Қаттиқ маҳкамланган таянч.

Бундай таянч унга туташган тўсин кесимининг айланишига ҳамда горизонтал ва вертикал йўналишда кўчишига йўл қўймайди.

2. Шарнирли қўзғалувчан таянч.

Ушбу таянч вертикал йўналишда тўсин ҳаракатини чеклайди. Тўсинни горизонтал ҳаракатини ва шарнир атрофида айланишини чекламайди. Бундай таянчда фақат таянч боғланиши бўйлаб йўналган реакция кучи ҳосил бўлади.

3. Шарнирли қўзғалмас таянч.


Бу таянч тўсинни фақат шарнир атрофида айланишига имкон беради. Горизонтал ва вертикал йўналишларда тўсинни ҳаракат қилишига йўл қўймайди. Ташқи кучлар таъсиридан бундай таянчда таянч реакциясининг иккита ташқил этувчиси ҳосил бўлади.

Тўсинларнинг эгилиши.

Тўсинлар кўпинча, ўз ўқидан ўтувчи бирор текисликда ётган кучлар ёки жуфт кучлар таъсирида бўлади ва бу кучлар системаси таъсирида эгилади (1.2.2 – шакл).

Бундай кучлар таъсирида тўсиннинг тўғри чизикли геометрик ўқи эгри чизикқа айланади. Тўсиннинг бундай деформацияси эгилиш дейилади. Тўсин кесимида ҳосил бўладиган зўриқиш кучларини аниқлаш учун кесиш усулидан фойдаланамиз.

Тўсинга қўйилган юklar унинг симметрия текислигида ётса, бундай эгилиш текис эгилиш дейилади. Акс ҳолда қийшиқ эгилиш содир бўлади.



1.2.2 - расм

Тўсинга қўйилган ташқи кучлардан ташқари, таянчларнинг ҳам тўсинга таъсири ташқи кучлар қаторига киради. Шунинг учун тўсинларнинг ҳисоблашни таянч реакцияларини аниқлашдан бошланади.


Агар тўсиннинг таянч реакциялари фақат статика тенгламалари ёрдамида аниқланса, бундай тўсинлар статик аниқ тўсинлар дейилади.

Агар номалум реакциялар сони, шу тўсин учун тузилган статика тенгламалари сонидан ортиб кетса, у ҳолда, тўсинлар статик аниқмас тўсинлар дейилади. Бундай тўсинларнинг реакцияларини аниқлаш учун қўшимча тенгламалар (деформация тенгламалари) тузиш лозим бўлади.

Эгилишдаги кучланишлар. Соф эгилиш. Нормал кучланишларни аниқлаш

1.2.3 – расмдаги тўсиннинг эгувчи момент ва кесувчи куч эпюраларини текшириб, қуйидаги хулосага келамиз:

1. Тўсиннинг СД участкасидаги эгувчи момент ўзгармас миқдор бўлиб, кесувчи куч 0 га тенг, Тўсиннинг бу участкасидаги эгилиш соф эгилиш дейилади.



1.2.3 – расм

Демак, соф эгилишда тўсиннинг кўндаланг кесимларидаги эгувчи момент ўзгармас миқдорга эга бўлиб, кесувчи куч нолга тенг бўлади, бошқача айтганда, агар тўсиннинг кесимларида фақат ўзгармас эгувчи момент ҳосил бўлса, унда соф эгилиш содир бўлади.

2. Тўсиннинг AC ва BD участкаларида эгувчи момент ўзгарувчан миқдор бўлиб, кесувчи куч нолга тенг эмас. Бу участкалардаги эгилиш **кўндаланг эгилиш** дейилади.

3. Тўсинга қуйилган кучлар тўсиннинг бош текисликларидан бирида ётгани учун унинг ҳамма участкаларида **тўғри эгилиш** содир бўлади.

Агар тўсиннинг икки учига унинг бош текислигида ётган бир-бирига тенг ва қарама-қарши йўналган жуфт кучлар қўйилса, тўсин бу ҳолда ҳам соф эгилиш ҳолатида бўлади.

Тўсинларнинг нормал кучланиш бўйича мустаҳкамлигини текшириш


Тўсин мустаҳкам бўлиши учун унинг хавфли кесимида ҳосил бўлувчи максимал нормал кучланишлар тўсин материали учун рухсат этилган кучланишдан ортиб кетмаслиги керак [22].

Агар тўсин чўзилиш ва сиқилишга бир хилда қаршилик кўрсатувчи материаллардан ясалган ва кесим шакли нейтрал ўққа нисбатан (1.2.4 – расм, а) даги каби бўлса, тўсиннинг мустаҳкамлик шарти қуйидагича ёзилади:

$$\sigma_{\max} = \frac{M_{\max}}{W_y} = [\sigma], \quad (1.2.1)$$

Бунда $M_{\max}$ - Тўсиннинг хавфли кесимидаги эгувчи момент,

$[\sigma]$ - Тўсин материали учун рухсат этилган кучланиш.



1.2.4 – расм

Агар тўсин материали чўзилиш ва сиқилишга ҳар хил қаршилик кўрсатадиган, чунончи, мўрт материалдан бўлса, кесим шакли нейтрал ўққа нисбатан носиметрик бўлса (1.2.4 – расм, б) Тўсин чўзилувчи ва сиқилувчи зоналар учун алоҳида - алоҳида тузилиши керак :

$$\begin{aligned}
 (\sigma_{max})_q &= \frac{M_{max}}{W_1} = [\sigma_q], \\
 (\sigma_{max})_c &= \frac{M_{max}}{W_2} = [\sigma_c],
 \end{aligned}
 \tag{1.2.2}$$

σ_c - чўзилишдаги нормал кучланиш.

(1.2.2) формуладаги келтирилган қаршилик моментлари қуйдагича формулалр ёрдамида аниқланади:

$$W_1 = \frac{I_y}{h_1} \text{ ва } W_2 = \frac{I_y}{h_2}.$$

Тўсиннинг мустаҳкамлик шарти (1.2.1) га кўра , қуйидаги уч хил масала хал қилиниши мумкин:

1. Агар тўсинга қўйилган кучлар ва тўсиннинг кўндаланг кесим ўлчамлари маълум бўлса, хавфли кесимларнинг энг катта кучланишлари топилиб, тўсиннинг мустаҳкамлиги текширилади:

$$\sigma_{\frac{max}{min}} \pm \frac{M_{max}}{W_y} \tag{1.2.3}$$

Бу кучланишлар тўсин материали учун рухсат этилган кучланишдан $\pm 5\%$ гина фарқ қилиши мумкин, акс холда тўсиннинг мустаҳкамлиги ёки материалнинг тежалиши таъминланмай қолади.

2. Агар тўсин материали ва унинг кўндаланг кесим ўлчамлари маълум бўлса, тўсин кўтара оладиган кучни топиш мумкин бўлади. Юқоридаги

$\sigma_{max} = \frac{M_{max}}{W_y} = [\sigma]$ формула асосида M_{max} ни ҳисоблаш керак [22]:

$$M_{max} = [\sigma] W_y \tag{1.2.4}$$

Хавфли кесимнинг эгувчи моменти M_{max} ни тўсинга қўйилган кучлар билан боғлаб, қўйилиши мумкин бўлган ташқи кучлар аниқланади.

3. Агар тўсин материали ва унга қўйилган кучлар маълум бўлса, тўсиннинг мустаҳкамлигини таъминловчи кўндаланг кесимни танлаш ва

унинг ўлчамларини топиш учун (1.2.1) формуладан қаршилик моментини аниқлаш керак:

$$W_y \geq \frac{M_{\max}}{[\sigma]}. \quad (1.2.5)$$

Топилган қаршилик momenti буйича кесимнинг шаклига қараб, юқоридаги формулага шу шакл қаршилик моментининг геометрик ифодаси қўйилади ва ундан керакли ўлчамлар аниқланади.

Агар тўсин прокат пўлатдан ясалган бўлса (1.2.5) формуладан ҳосил бўлган қаршилик momenti W_y нинг қийматига кўра тўсиннинг кўндаланг кесим ўлчамлари ГОСТ жадвалидан олинади (куштавр, швеллер ва бошқалар).

Шундай қилиб, ўзгарувчан юкланишли конструкция элементларини эластик ва ноэластик ҳолларда ўрганишга доир масалалар “Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси” соҳасининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, бу борада Республикамизда ва хорижда бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қаттиқ жисмлар механикасини ривожланишида жуда кўп олимлар ўз хиссаларини қўшганлар.

ЎзРФА “Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги”, “Алгоритм инженеринг”, “Математика ва информацион технологиялар” ва бошқа илмий тадқиқот институтларида айнан шундай масала ва муаммолар ҳал қилинган. Амалий масалаларни ҳал этишда алгоритмизация ишларини амалга ошириш, пакет программаларни яратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси фанлан академиясининг академиклари В.Қ. Қобулов, Т. Бўриев ва уларнинг издошлари, Ф.Б. Бадалов, К.Ш. Бабамуродов, Б. Курманбаев, Ш.А. Назиров, Т. Юлдашев, А. Абдусаттаров, Г.Ш. Закиров каби йирик олимларнинг самарали меҳнатлари ўзига ҳос назарий ва амалий аҳамиятга эга [12-15].

Энди, қўйилган масалани, яъни диссертация ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётларга мурожаат қилиб ўтайлик.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар, таълим тизими ва уни ислох этишга қаратилган Қонунлар ва қарорлар, уларнинг моҳияти ва самаралари хусусидаги фикр мулоҳазалар диссертациянинг кириш қисмида ўз ифодасини топган [11], [12].

Шунингдек, турли хил тартибли оддий дифференциал тенгламаларга келтириладиган амалий масалалар [8], [9] адабиётларда келтирилган бўлиб, ушбу адабиётларда оддий дифференциал тенгламаларга келтирилувчи айрим муҳандислик масалалари уларни ечишда қўлланиладиган асосий тенгламалар келтирилган.

[9-11] адабиётларда дифференциал тенгламалар орқали ифодаланган айрим масалаларни ечишнинг турли сонли усуллари ва алгоритмлари, уларга қўйиладиган чегаравий шартлар келтирилган.

[20] адабиётда балканинг эгилиши ва силжишини аниқловчи математик модел қуриш ва унга доир маълумотлар берилган бўлиб, унда мувозанат тенгламасини Лагранж вариацион принциpidан фойдаланиб ечиш каби масалалар илгари сурилган.

[11], [13], [14], адабиётларда чекли-айирмали усуллар асосида алгоритм тузилган. Масаланинг ечими мавжудлиги исботланган ва масаланинг аниқ ва тақрибий ечимлари келтирилган. Ушбу адабиёт амалий математика-физика масалалари билан шуғулланувчи мутахасислар учун мўлжалланган.

[8], [9], [13], [14] манбаларда турли синфдаги ЭҲМларда математик масалаларни сонли ечишни қўллаш ва қуришнинг асосий услублари баён этилган бўлиб, амалий математика ва физика ихтисослигида ўқиётган талабаларга ва илмий ҳисоб-китоб ишларини ЭҲМларда амалга ошираётган мутахасислар учун мўлжалланган. Ушбу адабиётларда математик моделлаштиришда ҳисоблаш усуллариининг ўрни келтирилган. Шунингдек, мисоллар ёрдамида бир нечта ҳисоблаш алгаритмлари ҳам кўриб ўтилган. Бундан ташқари, ҳисоблаш усуллариининг анъанавий қисмлари баён этилган, яъни чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечишнинг оддий ва

хайдаш усуллари, интегралларни сонли ҳисоблаш, чизиқсиз тенгламаларни ечиш, оддий дифференциал тенгламалар учун Коши масаласини ечиш усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, математик-физика типик масалаларини қўйилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Математик-физика масалаларининг замонавий усуллари [9] ўз таркибига қуйидаги бўлимларни олади: параболик ва гиперболик типдаги бир ўлчовли тенгламаларни ечиш учун бир жинсли чекли айирмали схемалар; эллиптик типдаги тенгламалар учун чекли-айирмали схемалар; чекли-айирмали схеманинг турғунлик назарияси; кўп ўлчовли математик-физика масалаларини ечишнинг иқтисодий усуллари ва бошқалар.

Умуман олганда, мазкур ишни тайёрлашда бир қатор илмий – техник адабиётлар ва журналлар, оммабоп илмий мақолалар ва бошқа манбаалар, жумладан, Интернет материаллари, ZiyoNET ахборот ресурс базаси ва ҳ.к. лардан фойдаланилди

1.3. Масалани ечишда фойдаланилган дастурлаш тиллари ва воситалари таҳлили

Ҳозирги кунда замонавий дастурлаш тиллари ва воситалари кун сайин кўпайиб уларнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Дастурлаш тиллари ва воситалари исон меҳнатини енгиллаштиради, улар бирор амалий масалани ечиш давомида такрорланишлар сони жуда кўп бўлса ҳам такрорланишдаги қадамлар сони кўп бўлса ҳам дарров ечим олишга мувофиқ бўламиз. Дастурлаш тиллари шундай имкониятлари орқали амалий ва бошқа масалаларни ечишда кенг қўлланилади.

Амалий масаларни ҳал қилишда ишлатиладиган кўплаб дастурлаш тиллари мавжуд. Бу дастурлаш тиллари ва воситаларига мисол қилиб Borland C++, Java, Visual Basic, Mathcad, Borland Delphi кабиларни келтириш мумкин [25-26].

Юқоридаги дастурий воситалардан Mathcad дастурини дифференциал тенгламаларни ва уларнинг ечимларини аниқлашда ишлатиладиган стандарт функциялари билан танишиб чиқамиз.

Mathcad дастури таркибида биринчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар, юқори тартибли оддий дифференциал тенгламалар ва биринчи тартибли оддий дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини ҳамда чегаравий масалаларни сонли ечишга мўлжалланган ўндан ортиқ стандарт функциялар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйида келтирилган [25].

rkfixed ($y, x1, x2, m, D$) – бу функция биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама ёки биринчи тартибли n та оддий дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини берилган кесмада тўртинчи тартибли Рунге-Кутта усулини қўллаб, интеграллаш қадами ўзгармас бўлган ҳол учун ечади.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ***rkfixed*** функцияси ёрдамида олинган сонли ечим ***(m+1)*** сатр ва ***(n+1)*** та устунга эга бўлган матрицанинг элемент-лари кўринишида берилади. Матрицанинг биринчи устун аргумент

x нинг интеграллаш оралиғига тегишли қийматлари, яъни $x_0, x_1, x_2, \dots, x_n$ ларни (бошланғич ва интеграллаш нукталарини) ўз ичига олади. Иккинчи устунда $y_1(x)$ функциянинг (яъни $y(x)$ функциянинг), учинчи устунда $y_2(x)$ функциянинг (яъни $y'(x)$ функциянинг), тўртинчи устунда $y_3(x)$ функциянинг (яъни $y''(x)$ функциянинг) ва ҳоказо охириги устунда $y_n(x)$ функциянинг (яъни $y^{(n-1)}(x)$ функциянинг) x нинг юқоридаги қийматларига мос қийматлари жойлашган бўлади.

Агар дифференциал тенглама биринчи тартибли бўлса, олинган сонли ечим иккита устунли матрица элементлари шаклида ифодаланади. Биринчи устунда аргумент x нинг қийматлари ($x_i = x_0 + i \cdot h, \quad h = (x_2 - x_1) / m$), иккинчи устунда эса ана шу қийматларга мос ечимнинг қийматлари $y_i = y(x_i)$ жой олади ($i = 0, 1, \dots, m$).

Rkadapt ($y, x1, x2, m, D$) - бу функция биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама ёки биринчи тартибли n та оддий дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини берилган кесмада тўртинчи тартибли Рунге-Кутта усулини қўллаб, интеграллаш қадамини автоматик танлаш йўли билан ечади.

Bulstoer ($y, x1, x2, m, D$) - бу функция биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама ёки биринчи тартибли n та оддий дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласини берилган кесмада Булириш-Штер усулини қўллаб, интеграллаш қадами ўзгармас бўлган ҳол учун ечади.

Ушбу **rkfixed**, **Rkadapt** ва **Bulstoer** функцияларининг аргументлари бир хил маънони англатади ва масаланинг математик қўйилиши бўйича қуйидагича аниқланади: $y = (y_{0,1}, y_{0,2}, \dots, y_{0,n})^T$ - компонентлари берилган бошланғич шартлардан ташкил топган вектор функция; $x1, x2$ - мос равишда интеграллаш оралиғининг бошланғич ва охириги қиймати; m - интеграллаш нукталари сони, яъни интеграллаш оралиғи $[x1; x2]$ нинг ўзгармас қадам билан бўлиниш нукталари сони;

$$D(x, y) = (f_1(x, y_1, y_2, \dots, y_n), \dots, f_n(x, y_1, y_2, \dots, y_n))^T$$

компонентлари (ташкил этувчилари) дифференциал тенгламалар системасининг ўнг томонида турган функциялардан иборат бўлган n та сатр ва 1 та устундан иборат вектор функция; x - скаляр микдор; $y=y(x)$ – изланаётган вектор функция.

Амалий масалаларни ечишга қаратилган дастурий таъминотларни яратишда юқорида санаб ўтилган дастурлаш тилларидан бири Delphi ўзининг кенг имконияти ва объектга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Қуйида Delphi дастури ва унинг имкониятларини таҳлил этамиз.

Delphi-визуал лойиҳалар, турли ҳолат процедураларини қайта ишлаш ва дастурларни қайта ишлашда вақтдан ютиш ва бошқаларни ўз ичига олади [26].

Delphiни ишга туширгандан кейин уни экран кўриниши ҳосил бўлиб, у унчалик оддий эмас. (1.3.1-расм). Экранда тўртта ойна мавжуд ва улар қуйидагилардир: Delphi 7 – бош ойнаси, Form1 – форма ойнаси, Object Inspector – объект инспектори ойнаси ва Unit1.pas – кодларини тахрирлаш ойнаси экранни деярли тўлдириб туради.

Дастур коди

Дастур коди форма орқасига яширинган бўлиб, у уерга дастур матнлари киритилади. У ойнага F12 ёки Ctrl+F12 тугмалари ёрдамида ўтиш мумкин. Delphi кодлар муҳотида дастур буйруқларини киритиш ва уларни қайта ишлаш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, Delphi кодлар муҳоти автоматик тарзда Object Pascal дастурлаш тилидаги калит сўзларни (begin, and, procedure, const, var ва бош.) қалин ҳарфлар билан белгилайди.


Маълумот ёзилган сатр (дастур изоҳи) ни белгилаш учун фигурали кавслардан фойдаланилади. Қавс очилса ундан кейин турган кодлар кўриниши ўзгаради. Керакли жойда қавс беркитилса, кўриниши ўзгарган кодлар фақат қавс оралиғидагина қолади ва дастур ишлаш жараёнида шу оралиқ ишлатилмайди.

Delphi кодлар муҳитининг имкониятларидан яна бири шуки, у уерга бирор функцияни масалан: «StrToFloat»ни ёзиб, қавс очсак, сатр остида

кичик ойна ҳосил бўлади. Бу ойнада қавс ичидаги ўзгарувчи типи кўрсатилган бўлади, ёки бирор операторни масалан: Label1 ни ёзиб нукта қўйилса сатр остида нуктадан кейинги ёзиш мумкин бўлган операторлар рўйхати чиқади ва улардан кераклигини танлаб қўйишимиз мумкин.

Кодлар ойнасида бирор оператор устига курсорни олиб бориб Ctrl+F1 тугмалари тенг босилса, шу оператор ҳақидаги ёрдам ойнаси ҳосил бўлади. У ердан керакли ахборотни олиш мумкин. Агар курсорни бўш жойга олиб келиб F1 босилса, умумий ёрдам маълумотлари чиқади.

Кодлар ойнасида таҳрирлаш оддий матн муҳаррирлари каби амалга оширилади. Яъни белгиланган (блокка олинган) код нусхасини олиш, қирқиб олиш ва керакли жойга қўйиш мумкин. Ундан ташқари кодлар ичидан керакли белгини излаб топиш ва алмаштириш, Delete тугмаси ёрдамида курсордан кейин турган белгини, Backspace ёрдамида эса курсордан олдин турган белги ёки белгилар ўчириш мумкин. Ctrl+→, Ctrl+← клавишлари ёрдамида бир сўз кейинга ва олдинга, PgDn, PgUp клавишлари ёрдамида эса бир экран пастга ва юқорига ўтилади.



1.3.1-расм. Delphi ишчи ойнасининг кўриниши.

Буйруқлар менюси

Delphi нинг меню сатридан қуйидагилар жой олган:

File, Edit, Search, View, Project, Run, Component, Database, Tools, Help.

Буларнинг барчасида ост менюлар мавжуддир.

File нинг ост менюсида бир неча буйруқлар бўлиб улар ёрдамида янги проект, формаларни очиш ва уларни сақлаш мумкин. Шу билан биргаликда очилган проектни ёпиш, Delphi дан чиқиш ва шуларга ўхшаш файллар билан ишлаш имкониятлари бор.

Edit менюси ост менюдан фойдаланиб кодларни таҳрирлаш, умуман кодлар устида турли хил амалларни бажариш мумкин.

View ёрдамида эса Delphi ишчи муҳити кўринишини ўзгартириш мумкин.

Run менюси ёрдамида дастурни ишга туширишни турли йўллари амалга оширилади.

Database менюсида маълумотлар баъзасини ташкил қилиш мумкин.

Help менюси эса Delphi ва унда дастурлаш ҳақидаги барча маълумотларни олиш имкониятини яратади.

Буйруқлар тугмачаси

Буйруқлар тугмачаси ёрдамида янги формалар яратиш, мавжуд файлни очиш, дастурни сақлаш, янги форма яратиш ва шунга ўхшаш амаллар тез бажарилади.

Компонентлар палитраси

Бу ерда стандарт ёки дастурчилар томонидан яратилган компонентлар мавжуд бўлиб, улардан тез ва сифатли дастурлар яратишда фойдаланилади.

Object Inspector ойнаси

Object Inspector ойнаси қуйидаги объектларнинг ҳолатини ўзгартиради: формалар, буйруқлар тугмачаси, кодлар майдони ва бошқалар.

Дастур формаси

Дастур тузишда ишлатиладиган барча компонентлар дастур формасига жойланади ва ана шу ердан уларга ўзгартириш киритилиши мумкин. Дастур ишга туширилгандан сўнг, барча амаллар дастур формаси ёрдамида бажарилади.

Дастурлаш – бу буйруқлар кетма-кетлигини киритиш бўлиб, уни яратишда қуйидаги босқичлар босиб ўтилади:

- қўйилган масалани дастурлаш мумкинлигини текшириш;
- қўйилган масаланинг алгоритмини танлаш ёки қайта ишлаш;
- буйруқларни ёзиш;
- дастур хатоликларини текшириш;
- тестдан ўтказиш.

Қўйилган масалани ечиш учун алгоритмлардан фойдаланилади.

Алгоритм деб, қўйилган масалани ечишга қаратилган, ҳисоблаш жараёнини ифодаловчи, бошланғич маълумотлардан изланаётган натижани келтириб чиқаришга қаратилган жараёнга айтилади.

Шуни аниқлаш керакки, муайян кетма-кетлик қуйидаги 3 та хоссага эга бўлсагина алгоритм ҳисобланади:


- бир қийматлилиқ
- умумийлик
- натижавийлик

Бир қийматлилиқ – масалани ечиш учун бажариладиган амаллар кетма-кетлиги ва бажариш йўли ягона бўлиши керак.

Умумийлик – алгоритм ўзгарувчиларининг турли хил қийматлари учун тўғри натижа олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Натижавийлик – алгоритм бажарилиши жараёнида аниқ натижа олиниши керак.

Масаланинг ечиш алгоритми блок-схема кўринишида бўлади. Блок-схемада масаланинг мантиқий ва турли қисми стандарт шакллар билан ёзилади.



бошлаш/тамом

киритиш/чиқариш

қайта ишлаш

танлаш

Алгоритмнинг блок-схемаси қурилганидан сўнг, танланган дастурлаш тилида унинг дастурини тузиш мумкин.

Математик функциялар

Математик функциялар (1.3.1-жадвал) турли хилдаги ҳисоблашлар бажаришни таъминлайди

1.3.1-жадвал.

Функция	Маъноси
Abs (n)	n нинг абсолют қияти
Sqrt (n)	N нинг квадрат илдизи
Sqr (n)	N нинг квадрати
Sin (n)	N нинг синуси
Cos (n)	N нинг косинуси
Arctan (n)	N нинг арктангенци
Exr(n)	N нинг экспоненциал қиймати
Ln(n)	N нинг натурал логарифми
Rardom(n)	0 дан n - 1 гача бўлган тасодифий қиймат

Ўзгартириш функциялари

Ўзгартириш функциялари (1.3.2-жадвал) асосан маълумотларни киритиш ва чиқаришни таъминлаш операторларида фойдаланилади. Масалан, реал типдаги ўзгарувчининг қийматини мулоқот ойнасининг чиқариш майдонига (Label компоненти) чиқариш учун ўзгарувчи типини сатрли типга ўзгартириб олиш керак. Буни FloatToStr функцияси ёрдамида амалга оширилади.

Масалан, Label1.caption:кFloatToStr(x) буйруғи реал типдаги x ўзгарувчининг қийматини Label1 майдонида чиқаради.

Ўзгартириш функциялари

1.3.2-жадвал.

Функция	Функциянинг қиймати
CHr(n)	N кодга мос келувчи белги
IntToStr (k)	K бутун сонни сатрли типга ўзгартириш

FloatToStr (n)	N ҳақиқий сонни сатрли типга ўзгартириш
FloatToStrF(n, f, k, m)	K ҳақиқий сонни сатрли типга ўзгартириш. Функцияга мурожаат қилишда f-формат (тасвирлаш усули); k-аниқлик (керакли умумий рақамлар сони); m-вергулдан кейинги рақамлар сонини кўрсатади.
StrToInt (s)	S сатрли типни бутун типга ўзгартириш
StrToFloat (s)	S сатрли типни ҳақиқий типга ўзгартириш
Round (n)	N сонини яхлитлаб бутун сон ҳосил қилиш
Trunc (n)	n нинг каср қисмини ташлаб юбориб бутун сон ҳосил қилиш
Frac(n)	n сонини бутун қисмини ташлаб юбориб каср сон ҳосил қилади
Int (n)	n нинг бутун қисмини олади

Функциялардан фойдаланиш

Одатда функциялардан ифоданинг операнди сифатида фойдаланилади. Функциянинг параметри унинг типига мос ҳолда константа, ўзгарувчи ёки ифода бўлиши мумкин. қуйида стандарт функция ва ўзгартирувчи функциялардан фойдаланишга мисол келтирилган:

```
n :κ Round((x2-x1)/dx);
x1:κ (-b κ Sqrt(d)) / (2*a);
m :κ Random(10);
cena :κ StrToInt(Edit1.Text);
Edit2.Text :κ IntToStr(100);
mes :κ 'x1κ' κ FloatToStr(x1);
```

Процедура ва функциялар

Delphiда дастурлашда дастурчининг иши асосан ҳодисаларни қайта ишлаш процедураларини (қисм дастур) яратиш билан белгиланади. Ҳодиса содир бўганда шу ҳодисани қайта ишлаш процедураси автоматик тарзда ишлайди. қайта ишлаш процедурасини чақиришни Delphi ўз зиммасига

олади. Шундай қилиб Delphi тилидаги программа қисм дастурлар йиғиндисидан ташқил топади. қисм дастурлар процедура ва функцияларга бўлинади. Процедура каби функция ҳам бир қатор ишларни бажариш учун мўлжалланган буйруқлар кетма-кетлигидан ташқил топади. қисм дастурдаги буйруқлар бажарилиши учун ушбу қисм дастур чақирилиши керак. Функциянинг процедурадан фарқи шундаки функциянинг номи билан қиймат боғлиқ бўлади. Шунинг учун функциянинг номини ифодаларда фойдаланиш мумкин.

Процедуранинг тузилиши

Процедура сарлавхадан бошланади ва ундан кейин қуйидаги бўлимлар бўлиши мумкин:

- константаларни эълон қилиш бўлими;
- типларни эълон қилиш бўлими;
- ўзгарувчиларни эълон қилиш бўлими;
- буйруқлар бўлими.

Процедуранинг умумий кўриниши қуйидагича:

procedure Nom1 (параметрлар рўйхати);

const

// константаларни эълон қилиш бўлими

type

// типларни эълон қилиш бўлими

var

// ўзгарувчиларни эълон қилиш бўлими

begin

// буйруқлар бўлими

end;

Константаларни эълон қилиш бўлимидан кейин type сўзи билан бошланувчи типларни эълон қилиш бўлими келади.

Типларни эълон қилиш бўлимидан кейинкеладиган бўлим бу ўзгарувчиларни эълон қилиш бўлими бўлиб, бу бўлимда барча ўзгарувчилар эълон қилинади ва var сўзи билан бошланади.

Ўзгарувчиларни эълон қилиш бўлимидан кейин дастурнинг асосий (тана) қисми жойлашади ва у begin сўзи билан бошланиб end сўзи билан тугатилади.

Функция структураси

Функция сарлавҳа билан бошланади, ўз навбатида кейинги ўринларда константаларни, типларни ва ўзгарувчиларни эълон қилиш келади. Охирида эса функциянинг тана қисми жойлашади.

Функцияни эълон қилишнинг умумий кўриниши қуйидагича кўринишга эга:

```
function Исм(параметрлар рўйхати): тип;  
    const // константаларни эълон қилиш бўлими  
    type // типларни эълон қилиш бўлими  
    var // оўзгарувчиларни эълон қилиш бўлими  
    begin // функциянинг тана қисмини бошланиши  
    result:қ қиймат; // функция номи билан боғланиш  
end;
```

Функция сарлавҳаси фунстион сўзи билан бошланиб, ундан кейин функция исми ёзилади. функция номидан кейин параметрлар рўйхати қавс ичида ёзилади. Икки нуқта билан функциянинг типи берилади. Функция сарлавҳасини ёзиш нуқтали вергул билан тугатилади.

Функция сарлавҳасидан кейин константалар, типлар ва ўзгарувчиларни эълон қилиш бўлими келади.

Буйруқлар бўлимида ҳисоблаш натижасини функцияга узатиш учун резулт ўзгарувчисидан фойдаланиш мумкин. қоидага асосан бу буйруқ функция буйруқлари қаторининг сўнгги бажарилувчи буйруғи бўлиши керак. дастур буйруқларини ёзиш

Бир буйруқ бошқасидан нуқтали вергул билан ажратиб ёзилади, бошқача қилиб айтганда ҳар бир буйруқлар қатори нуқтали вергул билан якунланади

Битта қаторга бир нечта буйруқ ёзиш мумкин бўлгани билан, қоидага асосан ҳар бир буйруқ алоҳида-алоҳида қаторларга ёзилади.

Баъзи буйруқларни (if, case, repeat, while ва бошқ.) жой ташлаш структурасидан фойдаланиб бир нечта қаторларга ёзиш келишиб олинган. қуйидаги мисолда бундай буйруқларга мисол келтирилган:

```
if d >= 0 then
begin
  x1:=(-b+Sqrt(d))/(2*a);
  x2:=(-b-Sqrt(d))/(2*a);
  ShowMessage('x1='+FloatToStr(x1) +
    'x2='+FloatToStr(x2)) ;
end
else
  ShowMessage('Тенглама илдизга эга эмас.');
```

Then ва else сўзлари if сўзига нисбатан бир хил жой ташлаш билан ёзилганига эътибор беринг. Худди шундай begin ва end сўзлари бир хил сўз ташлаш билан ёзилган.

Шунингдек узун ифодабарни ҳам бир неча қаторга ёзиш мумкин. Амалда ифоданинг ихтиёрий жойидан бўлиб қолган қисмини кейинги қаторга ёзиш мумкин. Аммо ўзгарувчиларнинг номини, рақамли ва сатрли константаларни бўлиб бўлмайди. Шунингдек таркибий буйруқларни ҳам бўлиб бўлмайди. Масалан ўзлаштириш оператори.

қуйида ифодани бўлиб ёзишга мисол келтирилган:

```
st:= 'Тенгламанинг илдизлари'+ #13
+'x1=' + FloatToStr(x1)+ #13 +'x2=' + FloatToStr(x2);
```

Дастур ишининг мантиқини тушунишни енгиллаштириш учун дастур матнига тушунтирувчи матн - изох ёзиш керак. Умуман изох фигурали қавс


ичига ёзилади. Аммо изох бир қатордан иборат бўлса изох олдига “//” белгисини қўйиш ҳам мумкин [22].

2-БОБ. ЎЗГАРУВЧАН ЮКЛАНИШЛИ ТЎСИНЛАРНИ ЭЛАСТИК ВА НОЭЛАСТИК ЭГИЛИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ ВА ХИСОБЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

Ушбу бобда қўйилган масалани ҳал этишнинг назарий асослари, математик модели ва уни сонли ечиш усули, ҳамда масалани ечиш босқичлари келтирилади.

2.1. Ўзгарувчан юкланишли тўсинларни деформацион кучланганлик ҳолатини тадқиқ этишнинг математик моделини қуриш

Ташқи кучлар таъсиридаги, эни - b , баландлиги (қалинлиги) - h , узунлиги - l , кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак бўлган, тўсиннинг (2.1.1 расм) ўзгарувчан юкланишлардаги эластик – ноэластик кучланганлик ҳолатини кўрамиз.



2.1.1 – расм

Бўйлама, кўндаланг ва буровчи кучлар таъсирида тўсин ички нуқталарининг силжишини қуйидагича ёзиш мумкин. [12]:

$$\begin{cases} U_1 = -z\alpha_1 + a_1\beta_1; \\ U_2 = 0; \\ U_3 = W. \end{cases} \quad (2.1.1)$$

Энди, Коши формуласига мувофиқ, (2.1.1) муносабатни ҳисобга олиб, деформация компонентларини ифодалаймиз:

$$\begin{cases} \ell_{11} = \frac{\partial U_1}{\partial x} = -z \frac{d\alpha_1}{dx} + a_1 \frac{d\beta_1}{dx} \\ \ell_{12} = 0 \\ \ell_{13} = \frac{\partial U_1}{\partial z} + \frac{\partial U_3}{\partial x} = \frac{dW}{dx} - \alpha_1 + \frac{da_1}{dz} \beta_1 \end{cases} \quad (2.1.2)$$

Кучланиш ва деформация орасидаги муносабат А.А.Ильюшиннинг кичик эластик – ноэластик деформацияланиш назариясидан аниқланади [10].

Чегаравий масалани ечиш учун, кучланиш компонентлари жорий деформация компонентлари орқали ифодаланади. Яъни ўзгарувчан юкланишли тўсиннинг кучланишлари ва ундаги деформация орасидаги муносабат қуйидаги тенглик орқали ифодаланади:

$$\begin{cases} \sigma_{11} = 3G[(1-\omega)*\ell_{11}] = 3G\left[(1-\omega)*\left(-z\frac{d\alpha_1}{dx} + \alpha_1\frac{d\beta_1}{dx}\right)\right] \\ \sigma_{12} = 0 \\ \sigma_{13} = G[(1-\omega)*\ell_{13}] = G\left[(1-\omega)*\left(\frac{dW}{dx} + \frac{d\alpha_1}{dz}\beta_1 - \alpha_1\right)\right] \\ \sigma_{22} = \sigma_{33} = \sigma_{23} = 0. \end{cases} \quad (2.1.3)$$

Тўсиннинг пластиклик функцияси - ω қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\omega = \begin{cases} 0, & \text{при } \ell_1 < 1, \\ \lambda\left(1 - \frac{1}{\ell_1}\right), & \text{при } \ell_1 \geq 1 \end{cases} \quad (2.1.4)$$

$$\ell_i = \frac{2}{3} \sqrt{(\ell_{11})^2 + \frac{3}{4}((\ell_{12})^2 + (\ell_{13})^2)} \quad (2.1.5)$$

$$\ell_1 = \frac{\ell_i}{\ell_s} \quad (2.1.6)$$

Бу ерда G , λ - пластиклик модуллари; ℓ_s - маълум коэффициент.

Ўзгарувчан юкланишли тўсиннинг эластик – ноэластик ҳолатини ўрганиш, унинг мувозанат тенгламасини ечш орқали амалга оширилади. тўсиннинг мувозанат тенгламаси эса, Лагранж вариацион принципи асосида келтириб чиқарилади.

$$\delta(-\Pi + A) = 0 \quad (2.1.7)$$

бу ерда

$$\delta \Pi = \int_V \sum_{i=1}^3 \sigma_{1i}^{(k)} \delta \ell_{1i}^{(k)} dV$$

-потенциал энергия вариацияси;

$$\delta A = \int_V \sum_{i=1}^3 P_i^{(k)} \delta U_i^{(k)} dV + \int_{S_1} \sum_{i=1}^3 q_i^{(k)} \delta U_i^{(k)} dS_1 \Big|_x + \int_{S_2} \sum_{i=1}^3 f_i^{(k)} \delta U_i^{(k)} dS_2$$

-ташқи кучлар бажарган иши вариацияси.

(2.1.7) Лагранж вариационн принципи, (2.1.2) Коши формуласи ҳамда (1.1.3) кучланиш ва деформация орасидаги муносабат асосида, қўйилган масаланинг математик модели, яъни иккинчи тартибли чизиксиз дифференциал тенгламалар системасининг вектор кўринишига эга бўламиз [23]:

$$\begin{aligned} & \frac{d}{dx} \left[\left(A^{yn} - A^{n\lambda(k)} \right) \frac{d\vec{V}^{(k)}}{dx} + \left(B^{yn} - B^{n\lambda(k)} \right) \vec{V}^{(k)} \right] + \left(C^{yn} - C^{n\lambda(k)} \right) \frac{d\vec{V}^{(k)}}{dx} + \left(D^{yn} - D^{n\lambda(k)} \right) \vec{V}^{(k)} = \vec{F}^{(k)} + \\ & \frac{d}{dx} \left(A^{n\lambda(k)} \frac{d\vec{V}^{0(k-1)}}{dx} + B^{n\lambda(k)} \vec{V}^{0(k-1)} \right) + C^{n\lambda(k)} \frac{d\vec{V}^{0(k-1)}}{dx} + D^{n\lambda(k)} \vec{V}^{0(k-1)} + \\ & + \sum_{m=1}^{k-1} \left\{ \frac{d}{dx} \left[A^{n\lambda o(k-m)} \frac{d}{dx} \left(\vec{V}^{0(k-m)} - \vec{V}^{0(k-m-1)} \right) + B^{n\lambda o(k-m)} \left(\vec{V}^{0(k-m)} - \vec{V}^{0(k-m-1)} \right) \right] + \right. \\ & \left. + C^{n\lambda o(k-m)} \frac{d}{dx} \left(\vec{V}^{0(k-m)} - \vec{V}^{0(k-m-1)} \right) + D^{n\lambda o(k-m)} \left(\vec{V}^{0(k-m)} - \vec{V}^{0(k-m-1)} \right) \right\} + \end{aligned} \quad (2.1.8)$$

$$\begin{aligned} & \left\{ - \left(A^{yn} - A^{n\lambda(k)} \right) \frac{d\vec{V}^{(k)}}{dx} - \left(B^{yn} - B^{n\lambda(k)} \right) \vec{V}^{(k)} - \vec{Q}^{(k)} - B^{n\lambda o(k)} \vec{V}^{0(k-1)} - A^{n\lambda o(k)} \frac{d\vec{V}^{0(k-1)}}{dx} \right. \\ & \left. - \sum_{m=1}^{k-1} \left[A^{n\lambda o(k-m)} \frac{d}{dx} \left(\vec{V}^{0(k-m)} - \vec{V}^{0(k-m-1)} \right) + B^{n\lambda o(k-m)} \left(\vec{V}^{0(k-m)} - \vec{V}^{0(k-m-1)} \right) \right] \right\} \delta \vec{V}^{(k)} \Big|_I = 0 \end{aligned} \quad (2.1.9)$$

Келтирилган (2.1.8) тенглама ва (2.1.9) чегаравий шарт ўзгарувчан юкланишли тўсиннинг эластик – ноэластик ҳолдаги кучланганлик – деформацион ҳолатини тадқиқ этиш учун умумий ҳолдаги мувозанат тенграмаси бўлиб, биз қўйилган масалани хусусий ҳолда, яъни, тўсиннинг xOz - вертикал текисликдаги эгилишини геометрик чегаравий шартда кўрамиз. Яъни:

$$\vec{V}^{(k)} \Big|_{x=0} = 0; \quad \vec{V}^{(k)} \Big|_{x=l} = 0; \quad (2.1.10)$$

$$\text{Бу ерда } \vec{V}^{(k)} = \{w^{(k)}, \alpha_1^{(k)}\}; \quad w \Big|_{x=0} = 0, \quad \alpha_1 \Big|_{x=l} = 0.$$

2.2. Чекли айирмалар усули

Чекли айирмалар усули асосида, (2.1.8), (2.1.10) чегаравий масалани ечиш схемасини курамиз. Бунинг учун А.А.Самарский - И.В.Фрязинов [10] схемасидан фойдаланамиз.

(2.1.8) дифференциал тенгламани аппроксимациялаймиз ва қуйидаги муносабатга эга бўламиз:

$$\left. \begin{aligned} \frac{1}{h} \left(A_{i+1/2} \frac{\vec{V}_{i+1}^{(1)} - \vec{V}_i^{(1)}}{h} - A_{i-1/2} \frac{\vec{V}_i^{(1)} - \vec{V}_{i-1}^{(1)}}{h} \right) + \frac{B_{i+1} \vec{V}_{i+1}^{(2)} - B_i \vec{V}_i^{(2)}}{h} + \frac{C_i \vec{V}_{i+1}^{(2)} - C_i \vec{V}_i^{(2)}}{h} + D_i \vec{V}_i^{(1)} &= \vec{F}_i \\ \frac{1}{h} \left(A_{i+1/2} \frac{\vec{V}_{i+1}^{(2)} - \vec{V}_i^{(2)}}{h} - A_{i-1/2} \frac{\vec{V}_i^{(2)} - \vec{V}_{i-1}^{(2)}}{h} \right) + \frac{B_i \vec{V}_i^{(1)} - B_{i-1} \vec{V}_{i-1}^{(1)}}{h} + \frac{C_i \vec{V}_i^{(1)} - C_i \vec{V}_{i-1}^{(1)}}{h} + D_i \vec{V}_i^{(2)} &= \vec{F}_i \end{aligned} \right\} \quad (2.2.1)$$

бу ерда қуйидаги белгилашлар киритилган: $A_i = A_i^{yn} - A_i^{nz}$; $B_i = B_i^{yn} - B_i^{nz}$;

$$C_i = C_i^{yn} - C_i^{nz}; D_i = D_i^{yn} - D_i^{nz}.$$

$U_i = [\vec{V}_i^{(1)} \quad \vec{V}_i^{(2)}]^T$ векторни киритиб, (2.2.1) тенгламалар системасини

қуйидагича вектор кўринишида ёзамиз:

$$\hat{A}_i U_{i+1} - \hat{B}_i U_i + \hat{C}_i U_{i-1} = \hat{F}_i \quad i = 1, 2, \dots, N-1; \quad (2.2.2)$$

$$i = 0 \quad \text{бўлганда:} \quad U_0 = 0; \quad (2.2.3)$$

$$i = N \quad \text{бўлганда:} \quad U_N = 0; \quad (2.2.4)$$

бу ерда $\hat{A}_i, \hat{B}_i, \hat{C}_i$ - клетка матрицалар, $\hat{F}_i$ - эса, клетка вектор бўлиб, улар қуйидагича ифодаланади:

$$\hat{A}_i = \begin{bmatrix} \frac{1}{h} A_{i+1/2} & B_{i+1} + C_i \\ \theta & \frac{1}{h} A_{i+1/2} \end{bmatrix}; \hat{B}_i = \begin{bmatrix} \frac{1}{h} A_{i+1/2} + \frac{1}{h} A_{i-1/2} - h D_i & B_i + C_i \\ -B_i - C_i & \frac{1}{h} A_{i+1/2} + \frac{1}{h} A_{i-1/2} - h D_i \end{bmatrix}; \hat{C}_i = \begin{bmatrix} \frac{1}{h} A_{i-1/2} & \theta \\ -B_{i-1} - C_i & \frac{1}{h} A_{i-1/2} \end{bmatrix}; \hat{F}_i = \begin{bmatrix} h F_i \\ h F_i \end{bmatrix}.$$

(2.2.2.) - (2.2.4) масалани ечиш учун матрицали хайдаш усулидан фойдаланамиз. Ечимни қуйидагича излаймиз:

$$\vec{U}_{i+1} = \hat{\alpha}_i \vec{U}_i + \hat{\beta}_i, \quad i = N, N-1, \dots, 1 \quad (2.2.5)$$

α_1 ва β_1 лар хозирча номаълум бўлиб уларни қуйидаги рекурент формула орқали аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \hat{\alpha}_{i+1} &= (\hat{B}_i - \hat{C}_i \hat{\alpha}_i)^{-1} \hat{A}_i \\ \hat{\beta}_{i+1} &= (\hat{B}_i - \hat{C}_i \hat{\alpha}_i)^{-1} (\hat{C}_i \vec{\beta}_i - \vec{F}_i) \end{aligned} \quad i = 1, 2, \dots, N-1 \quad (2.2.6)$$

2.3. Масалани ечиш босқичлари

Қўйилган масалани ечиш қуйидаги кетма – кетликда амалга оширилади:

- 1) қаралаётган тўсиннинг геометрик ва механик характеристикаларини киритиш.
- 2) дифференциал тенгламалар системасидаги эластик коэффициентларни A^{yn}, B^{yn}, C^{yn} ва D^{yn} матрицаларга формировад қилиш;
